New Day in Medicine
Новый День в Медицине
NDM

TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal

AVICENNA-MED.UZ

ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (85) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского является генеральным научно-практическим консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных изданий, рецензируемых Высшей Аттестационной Комиссией Республики Узбекистан (Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (85)

2025

ноябрь

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 20.10.2025, Accepted: 06.11.2025, Published: 10.11.2025

УДК 613.95:616-056.3-053.4

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛИ БОЛАЛАРДА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ ВА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАРНИ АСОСЛАШ

Саломова Феруза Ибодуллаевна e-mail: SalomovaF@mail.ru
Қобилжонова Шахноза Рустамовна e-mail: KobiljonovaSh@mail.ru

Тошкент Давлат Тиббиёт Университети, 100109 Тошкент, Ўзбекистон Фаробий кўчаси 2,
Тел: +998781507825 Е-маил: info@tdmu.uz

✓ ***Резюме***

Мақолада мактабгача ёшдаги болалар орасида аллергик касалликлар ва ошқозон-ичак тизими (ОИТ) фаолияти бузилишларининг тарқалиши ҳамда профилактик тадбирларни асослаш бўйича материллар келтирилган. Тадқиқот доирасида мактабгача таълим муассасалари 1000 нафар тарбияланувчилари скрининг текширувидан ўтказилиб, болаларнинг 41,6 фоизида аллергик касалликлар, шуларнинг 27,2 фоизида ОИТ фаолияти бузилишлари қайд этилган. Натижалар аллергик касалликлар билан ОИТ бузилишлари ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлайди ҳамда мактабгача таълим муассасаларидаги болалар соғлиғини мунтазам скрининг назорат қилиш, аллергик касаллик хавф омилларини бартараф этиш ёки камайтириш бўйича мақсадли профилактик ва гигиеник соғломлаштириш тадбирларини эрта амалга ошириш зарурлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: мактабгача ёшдаги болаларнинг саломатлиги, аллергия, ошқозон-ичак тизими фаолиятининг бузилиши.

РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ НАРУШЕНИЙ ФУНКЦИЙ ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОГО ТРАКТА И ОБОСНОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА С АЛЛЕРГИЧЕСКИМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ

Саломова Феруза Ибодуллаевна e-mail: SalomovaF@mail.ru
Қобилжонова Шахноза Рустамовна e-mail: KobiljonovaSh@mail.ru

Ташкентский государственный медицинский университет, 100109 Ташкент, Узбекистан,
ул. Фаробия, 2, Тел: +998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

✓ ***Резюме***

В статье представлены результаты массового целевого скрининга среди детей дошкольного возраста, страдающих аллергическими заболеваниями и нарушениями функции желудочно-кишечного тракта (ЖКТ). Обследовано 1000 детей, из которых у 41,6% выявлены аллергические заболевания, а у 27,2% — сопутствующие функциональные нарушения ЖКТ. Полученные результаты подтверждают связь аллергических заболеваний с патологией желудочно-кишечного тракта и подчеркивают необходимость регулярного скрининга здоровья детей в дошкольных образовательных организациях, раннего проведения целенаправленных профилактических и гигиенических оздоровительных мероприятий, направленных на устранение или снижение факторов риска развития аллергических заболеваний.

Ключевые слова: здоровье детей дошкольного возраста, аллергия, нарушения со стороны желудочно-кишечного тракта.

PREVALENCE OF GASTROINTESTINAL DISORDERS IN SCHOOL-AGED CHILDREN WITH ALLERGIC DISEASE AND BASED ON PROPHYLACTIC MEASURES

Salomova Feruza Ibodullayevna e-mail: SalomovaF@mail.ru
Kobiljonova Shakhnoza Rustamovna e-mail: KobiljonovaSh@mail.ru

Tashkent State Medical University, 100109 Tashkent, Uzbekistan, 2 Farobiy Street,
Tel: +998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

✓ ***Resume***

This article presents the results of a mass targeted screening of preschool-aged children suffering from allergic diseases and gastrointestinal (GI) disorders. A total of 1,000 children were examined, of whom 41.6% were diagnosed with allergic diseases, and 27.2% had concomitant GI disorders. The findings confirm the link between allergic diseases and gastrointestinal pathology and emphasize the need for regular health screening of children in preschool educational institutions and the early implementation of targeted preventive and hygienic health measures aimed at eliminating or reducing risk factors for the development of allergic diseases.

Keywords: allergy, preschool age, gastrointestinal tract, hygienic prevention, screening, child health.

Долзарблиги

Болалар саломатлиги жамиятнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликда республикамизда экологик муҳит, овқатланиш сифати ва турмуш шароитларидаги ўзгаришлар натижасида болалар орасида аллергик касалликлар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда. Хусусан, аллергик ринит, атопик дерматит, бронхиал астма каби касалликлар нафақат соғлиқ ҳолатини, балки боланинг ҳаётий фаоллигини, руҳий-эмоционал ривожланишини ҳам чегаралаб қўймоқда [2].

Аллергик касалликлар кўп ҳолларда ошқозон-ичак тизими (ОИТ) фаолияти бузилишлари билан биргаликда кечиши қайд этилмоқда. Бу ҳолат иммун тизими, ичак микробиотаси ва овқат ҳазм қилиш органларининг ўзаро боғлиқ фаолияти билан изоҳланади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ичак микробиотасининг таркибий ўзгариши иммун жавоб реакцияларини кучайтиради, организмда сенсибилизация жараёнларини фаоллаштиради ва аллергик касалликларнинг сурункали шаклга ўтишига сабаб бўлади [4].

Тошкент шаҳри ва айрим ҳудудлардаги мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган скрининг тадқиқотлар болалар орасида аллергик касалликлар ва ОИТ фаолияти бузилишларининг юқори даражада эканлигини тасдиқлади. Бу ҳолатлар кўпинча нотўғри овқатланиш, санитар-гигиеник шароитнинг етарли эмаслиги, ичимлик суви сифати пастлиги ва ота-оналарнинг соғлом турмуш тарзига оид билимлари чекланганлиги билан боғлиқ [3].

Шу нуқтаи назардан, мактабгача ёшдаги болаларда аллергик касалликларнинг эрта аниқланиши ва уларнинг сабабчи омилларини бартараф этишда оммавий тиббий мақсадли скрининг текширувларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Скрининг натижалари болалар соғлиғининг умумий ҳолатини баҳолаш, хавф гуруҳларини аниқлаш ва гигиеник профилактика чораларини самарали ташкил этиш имконини беради.

Тадқиқотнинг мақсади: мактабгача ёшдаги аллергик касалликли болаларда ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилишлари тарқалганлигини аниқлаш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳамда профилактик тадбирларнинг устувор йўналишларини илмий асослашдан иборат.

Материал ва усуллар

Тадқиқот иши 2022–2023 йилларда ўтказилган бўлиб, унга Тошкент шаҳрининг Шайхонтахур туманидаги 111 ва 259-сонли мактабгача таълим муассасаларининг 3–7 ёшли 1000 нафар тарбияланувчилари жалб этилган. Текширув натижалари асосида болалар 3 та гурухга тақсимланди. 1-чи гурух назорат гурухи бўлиб, бу гурухга киритилган болаларда аллергик касалликлар ёки ОИТ бузилишлари белгилари аниқланмади (146 нафар- 58,4%) ва улар умумий соғлом болалар гуруҳини ифодалайди. Фақат аллергия белгилари бўлган, лекин ОИТ фаолияти нормал бўлган 36 нафар (14,4%) бола кузатув гурухини ташкил этди. Аллергик касаллиги бор ва ОИТ фаолияти бузилишлари қайд этилган 68 нафар (27,2%) болалар эса асосий гурухни ташкил этди.

Анкета-сўровнома асосида тадқиқотга жалб этилган болаларнинг ота-оналаридан болаларнинг саломатлик ҳолати, яшаш шароити, фактик овқатланишига оид маълумотлар йиғилди. Ўтказилган тиббий кўрик асосида болалар терисининг ҳолати, нафас олиш тизими ва ОИТ фаолияти баҳоланди. Лаборатор таҳлиллар — умумий қон таҳлили, копрология, паразитар маркёрлар (ИФА) – болаларга аниқ диагноз қўйишга ва профилактик тадбирларни асослашга ёрдам берди. Олинган натижалар SPSS-21 дастурида ишлов берилди.

Натижа ва таҳлиллар

Скрининг текширув натижаларига кўра, болаларнинг 41,6 фоизида аллергик касалликлар аниқланди. Аллергик касаллик аниқланган болалар орасида ОИТ фаолияти бузилишлари билан кечувчи ҳолатлар 368 нафар (27,2%) болада қайд этилди. Асосий гуруҳда энг кўп учраган ҳолат — функционал диспепсия бўлиб, у 26,5 % ҳолатда кузатилди. 2-чи ўринда ич қотиши ҳолати бўлиб, у 216 нафар болада (23,5 %) аниқланди. Бу ҳолат болаларда толали озиқ моддалар етишмовчилиги, кам ҳаракатлилик ёки ичак моторикасининг сусайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қорин оғриғи ва метеоризм белгилари 14 нафар болада (20,6 %) кузатилган бўлиб, бу ичакдаги ферментатив жараёнлар ва микрофлора мувозанатининг бузилишига ишора қилиши мумкин. 10 нафар болада (14,7 %) иштаҳа пасайиши ва дисбактериоз белгилари аниқланган. Ич кетиши (диарея) ҳам 10 нафар болада (14,7 %) қайд этилган бўлиб, бу кўп ҳолларда инфекцион ёки аллергик омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқотимиз натижалари мактабгача ёшдаги болаларнинг қарийб ҳар тўртинчисида аллергик касалликлар ОИТ фаолиятининг бузилиши билан бирга кечишини кўрсатди ва бу илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга мос келади. Sicherer S.H., Sampson H.A. (2014) ва Prescott S.L. (2016) томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларда ошқозон-ичак тракти бузилишлари қайд этилган болаларда аллергик касалликлар ривожланиш хавфи соғлом тенгдошларига нисбатан 1,5–2 баробар юқорилиги қайд этилган [7].

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида таққосланаётган гуруҳ болаларида асосий антропометрик кўрсаткичларни (бўй, вазн, тана вазни индекси -ТВИ ва ўпканинг тириклик сиғими -ЎТС) ўрганиш ишлари амалга оширилди. Текширув натижалари 1- жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

Таққосланаётган гуруҳ болаларида антропометрик ва клиник кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=68)	Кузатув гуруҳи (n=36)	Назорат гуруҳи (n=146)	p
Ўртача ёш (йил)	5,1 ± 0,2	5,0 ± 0,3	5,2 ± 0,1	>0,05
Тана вазни (кг)	17,8 ± 0,6	19,2 ± 0,5	19,4 ± 0,3	<0,05*
Бўй (см)	107,4 ± 1,1	110,1 ± 1,0	111,1 ± 1,2	<0,05*
ТВИ (кг/м²)	15,2 ± 0,3	16,5 ± 0,4	16,7 ± 0,5	<0,05*
Гемоглобин (г/л)	115,6 ± 2,4	121,3 ± 1,9	122,3 ± 1,7	<0,05*
Эозинофиллар (%)	6,4 ± 0,8	3,2 ± 0,5	3,6 ± 0,7	<0,01**
ЎТС (мл)	950 ± 30	1040 ± 35	1040 ± 35	<0,05*

Жадвалда келтирилган маълумотларига кўра, асосий ва кузатув гуруҳлари болалари билан назорат гуруҳи болалари ўртасида бир қатор антропометрик ва клиник кўрсаткичлари бўйича аҳамиятли фарқлар аниқланган.

Асосий гуруҳ болаларининг тана вазни (17,8 ± 0,6 кг) ва бўйи (107,4 ± 1,1 см) назорат гуруҳига нисбатан паст бўлиб, бу фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланган ($p<0,05$). Тана вазни индекси асосий гуруҳда 15,2 ± 0,3 кг/м² ни ташкил этиб, назорат гуруҳидаги кўрсаткичидан (16,5 ± 0,4 кг/м²) паст эканлиги кузатилди ($p<0,05$). Ўпканинг тириклик сиғими асосий гуруҳда 950 ± 30 мл бўлиб, назорат гуруҳи кўрсаткичидан (1040 ± 35 мл) нисбатан паст эканлиги аниқланди ($p<0,05$). Фақат аллергия белгилари бўлган, лекин ОИТ фаолияти нормал бўлган кузатув гурухига киритилган болаларнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилмади.

Қон кўрсаткичлари бўйича ҳам фарқлар қайд этилди. Асосий гуруҳда гемоглобин даражаси 115,6 ± 2,4 г/л бўлиб, назорат гуруҳи кўрсаткичидан (121,3 ± 1,9 г/л) паст эканлиги аниқланди ($p<0,05$). Шу билан бирга, эозинофиллар миқдори асосий гуруҳда 6,4 ± 0,8 % ни ташкил этиб, назорат гуруҳидагидан (3,2 ± 0,5 %) икки баробар юқори бўлган ($p<0,01$). Бу эса аллергик ҳолатлар фаоллиги юқорилигидан далолат бериши мумкин.

Анкета-сўровнома асосида тадқиқотга жалб этилган болаларнинг ота-оналаридан болаларнинг яшаш шароити ва фактик овқатланишига оид маълумотлар йиғилди. Таҳлил натижаларига кўра, аллергик касалликлар ривожланишига сабаб бўлувчи тиббий-биологик, санитар-гигиеник ва ижтимоий гурухларга киритиладиган хавф омилларининг етакчилари аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Аллергик касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлувчи асосий хавф омиллари

Хавф омиллари	Асосий гуруҳ (%)	Кузатув гуруҳи (%)
Аллергияга ирсий мойиллик	67,8	31,2
Перинатал асоратлар	47,2	19,3
Антибиотикларни кўп қўлланиши	71,4	25,0
Дисбиоз ҳолатлари	64,2	22,0
Нотўғри овқатланиш	63,5	34,2
Ифлос муҳит/пассив чекиш	41,3	20,0
Ёмон маиший шароитлар	39,7	18,0
Ота-оналар билим даражаси пастлиги	35,6	15,0
Санитар-маърифий ишлар етарсизлиги	23,5	10,0
Оилада иқтисодий қийинчиликлар	28,4	12,0

Таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ болаларида антибиотиклардан кўп қўлланиши, аллергияга ирсий мойиллик, дисбиоз ва нотўғри овқатланиш асосий хавф омиллари сифатида ажралиб чиқди.

И.И. Балаболкиннинг маълумотларига кўра, ошқозон-ичак тракти озиқ-овқат аллергиясининг дастлабки белгилари 1 ёшгача бўлган болаларда 60-65% ҳолларда ривожланади, бу боланинг рационига янги озиқ-овқат маҳсулотларини киритиш билан боғлиқ. Касалликнинг иккинчи чўққиси 3 ёшдан 7 ёшгача кузатилади, бунда касалликнинг аксарият аломатлари болалар муассасасига биринчи марта ташриф буюрган вақтга тўғри келади [1]. Бироқ, ошқозон-ичак тракти озиқ-овқат аллергияси ҳали ҳам камдан-кам ҳолларда ташхисланади. Аниқланган ўзгаришлар кўпинча умумий гастродуоденал патология (сурункали гастрит ёки гастродуоденит, функционал диспепсия) сифатида талқин қилинади ва зарур терапевтик компонентлар, масалан, элиминацион парҳез, антигистаминлар ва бошқалар даволаш режасига киритилмайди.

Хулоса

1. Аллергик касалликлар мактабгача ёшдаги болаларда кенг тарқалган (41,6%) патологиялардан бири бўлиб, уларнинг 27 фоизида ошқозон-ичак тизими бузилишлари билан бирга кечиши қайд этилди.
2. Асосий гуруҳга киритилган болаларда овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятининг энг кўп учрайдиган бузилиш турлари бу- функционал диспепсия, ич қотиши ва қорин оғриғи билан намоён бўлган бўлиб, бу ҳолатлар аллергик касалликлар билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади.

3. Аллергик касалликлар билан ошқозон-ичак тизими бузилишлари билан бирга кечиши жисмоний ривожланиш ва ўсиш динамикасининг кечикишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланди.
4. Натижалар аллергик касалликлар билан ОИТ бузилишлари ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлайди ҳамда мактабгача таълим муассасаларидаги болалар соғлиғини мунтазам скрининг назорат қилиш, аллергик касаллик хавф омилларини бартараф этиш ёки камайтириш бўйича мақсадли профилактик ва гигиеник соғломлаштириш тадбирларини эрта амалга ошириш зарурлигини таъкидлайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. И.И. Балаболкиннинг (2015) Современная концепция патогенеза и принципы терапии аллергических заболеваний у детей «Фундаментальная медицина» 2015;4:67.
2. Liu J. et al. Gut Microbiota and Allergy in Childhood. «Pediatrics», 2022;3:67-74.
3. Миррахимова М.Х., Саломова Ф.И. Болаларда аллергия ва гигиеник профилактика масалалари. Тошкент: ТМА, 2024;6:73-76.
4. D'Amico A. Nutrition and Immune Modulation in Allergic Children. // J. Clin. Nutr. National Library of Medicine 2021 Sep 1;73(3):293-298.
5. WHO/UNICEF. Child Health Strategy: Preventive Approaches– Geneva, 2023; 47-52 pp.
6. Кобилжонова Ш.Р. Гигиенические аспекты профилактики аллергических заболеваний у детей дошкольного возраста с нарушением ЖКТ – ТМА 2025;4:37-42.
7. Sicherer S.H., Sampson H.A. (2014) July 13(7):2318 Early Introduction of Food Allergens and Risk of Developing Food Allergy/ Prescott S.L. (2016) 2016 Dec;46(12):1506-1521.doi: 10.1111/cea.12838. Pre- and probiotics for allergy prevention: time to revisit recommendations.

Қабул қилинган сана 20.10.2025